ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ФРОНТ МАТБУОТИДА

Шамсутдинов Р.Т. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. 3 жилдлик.- Т.: Академнашр, 2017.

Ўзбекистон халқларининг совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган мураккаб ва зиддиятли тарихий йўлини бир хилда баҳолаб бўлмайди. Советлар даврини ҳақиқатда қандай кечган бўлса, шундайлигича: барча ижобий ва салбий жиҳатлари, парвозлари-ю таназзуллари, тарихий жараёнларнинг барча жабҳаларини назарда тутган ҳолда тадқиқ этиш лозим. Жумладан, Ўзбекистон халқларининг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки долзарб мавзулардан бири саналади. Уруш Ўзбекистон сарҳадларида кечган бўлмаса-да, халқимиз уруш ҳаракатлари собиқ Совет давлати ҳудудларига кўчган (1941 йил 22 июнь) дастлабки кунларданоқ душманни тўхтатиш ва уни улоқтириб ташлаш учун курашга отланди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти тўлиқ фашизмга қарши курашга сафарбар этилди. Халқимизнинг ғалаба йўлидаги машаққатли меҳнати, юксак инсонпарварлик, хусусияти, жанггоҳлардаги жасоратлари тарихини бирламчи манбалар асосида ёритиш шу куннинг долзарб мавзулари сирасига киради. Шу нуқтаи назардан профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” номли уч жилдли китоби ҳам Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки тарихининг ҳали тўлиқ очиб берилмаган қирраларини ёритишга, унинг кемтик жиҳатларини тўлдиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шу ўринда ўзбек матбуоти тарихига назар ташласак, матбуот вужудга келган илк кунларидан бошлабоқ Туркистон халқининг маданий-маърифий ҳаётига, ижтимоий онги ва дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатганига амин бўламиз.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг мустабид тузум ўз ғояларини халқ онгига сингдиришда, сиёсий-ижтимоий ва маданий тадбирларни амалга оширишда матбуотдан усталик билан фойдаланди. Ўзбек матбуоти, бошқа собиқ иттифоқдош республикалар матбуоти сингари, Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқ ҳамда армияни душманга қарши курашга сафарбар этишда, жангчиларнинг жанговар руҳини кўтаришда совет ҳокимиятига қудратли мафкуравий қурол бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам, муаллиф китобнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтганидек, иккинчи жаҳон уруши даври матбуотининг, жумладан, фронт газеталарининг фашизм устидан эришилган тарихий ғалабага қўшган ҳиссасини юқори деб баҳолаш мумкин.

Кенг китобхонлар оммасига тақдим этилаётган ушбу китоблар “Ватан учун”, “Суворовчи”, “Совет жангчиси”, “Қизил аскар хақиқати”, “Ватан шарафи учун”, “Душманга қарши олға”, “Фронт ҳақиқати”, “Ғалаба байроғи”, “Қизил армия”, “Бонг” номли иккинчи жаҳон уруши фронтларида чоп этиб борилган ҳарбий газеталарнинг маълум сонларидаги материаллар асосида тайёрланган. Улар ўша суронли уруш йилларига оид бирламчи манбалар, яъни иккинчи жаҳон урушининг турли фронтларида ўзбек тилида чоп этилган газеталар саҳифаларида эълон қилинган материаллар асосида Ўзбекистон халқининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги иштироки тарихини ҳали тўлиқ ёритилмаган жиҳатларини очиб беради.

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ўзбек тилида чиққан газеталар фронт ва фронт ортидаги Ўзбекистон халқининг фидокорона меҳнати ва жасорати, буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссасини тўлақонли ёритишда ноёб манбадир. Газеталарда элон қилинган материаллар асосида яратилган уч жилдлик ушбу китоб саҳифаларидаги маълумотлар орқали китобхонлар ўзбекистонлик жангчиларнинг иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрсатган жасоратлари ва халқимизнинг фронт орқасида туриб ўзининг фидокорона меҳнати билан умумий душман устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасини теран англаш ҳамда уруш даҳшатлари ҳақидаги билимларини бойитиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, келтирилган фактик маълумотлар халқимизнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихи билан боғлиқ кемтик томонларини тўлдириш имконини ҳам беради, бу ҳолат китобнинг илмий аҳамиятини янада оширади.

“Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” номли ушбу уч жилдлик китоб ўзбекистонлик жанчиларнинг урушда кўрсатган жанговар маҳо-

ратини, жасурлигини, душманни тор-мор этиш ишига қўшган салмоқли ҳиссасини кўрсатиш, жангларда бедарак йўқолган, ҳалок бўлган юртдошларимиз номларини аниқлашда бирламчи манба вазифасини ўтайди. Умуман, газеталардаги мақола ва очерклар, хабар, суҳбат ва ахборотлар, фронтга йўлланган хатлар, жангчиларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари, фарзандлари, қавму-қариндошларига ёзган хатлари, ҳарбий қўмондонлик ва бўлимлар томонидан ўзбекистонлик жангчиларга берилган турли хил фахрий ёрлиқлар, жанговар орден ва медалларни олиш чоғидаги суратлар Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихини янада кенгроқ ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат шу кунга қадар яратилган Ўзбекистон тарихига оид китоб, дарслик ва ўқув қўлланмаларида “Иккинчи жаҳон уруши ва унда ўзбекистонликлар иштироки” масалаларини ёритишда тадқиқотчилар ушбу газеталардан – бирламчи манбалардан фойдаланмаганлар. Зеро, муаллифнинг қайд этишича, 1942 йил февралида илк бор грузин, арман ва озарбайжон тилларида, кейинчалик бошқа тилларда ҳам фронт газеталарини чиқариш йўлга қўйилади. Ўрта Осиёдан урушга сафарбар қилинган йигитларнинг аксар қисми Ғарбий фронтга юборилгани учун шу фронт қошида ўзбек, қозоқ, тожик ва туркман тилларида газеталар нашр этила бошланди, улар ҳафтада 2 марта, стандарт қоғознинг ярим форматида, 4 саҳифали бўлиб чиқади. Уруш йилларида миллий тилларда жами 10 та фронт, 22 та дивизия газеталари чиқиб, уларнинг сони 100 дан ортиқ бўлган. Улар орасида юқорида қайд этилган ўзбек тилидаги газеталар жангчилар руҳиятини кўтариш мақсадида мунтазам чоп этилиб борган.

Китобда Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалигининг ҳарбий изга ўтказилиши, юртимизнинг собиқ иттифоқнинг қурол-аслаҳа етказиб берувчи муҳим минтақаларидан бирига айлангани тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўрин олган. Ўзбекистонликларнинг саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигидаги фидокорона меҳнатлари, уларнинг кунлик, ойлик ва йиллик режаларни ортиғи билан бажариб, фидокорона меҳнатлари билан ғалабага қўшган ҳиссаси масалалари ҳам китобда атрофлича ёритилган.

Китобдаги маълумотлар мустақиллик йилларида иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган ватандошларимиз номларини абадийлаштириш мақсадида яратилган 30 дан зиёд “Хотира” китобларида номи аниқланмаган ватандошларимиз номларига ойдинлик киритишга ҳам хизмат қилади.

Хуллас, ушбу китоб Ўзбекистон тарихининг советлар даври тарихини, айниқса, иккинчи жаҳон уруши йиллари, хусусан, урушнинг собиқ иттифоқ ҳудудига кўчган 1941 – 1945 йилларидаги тарихини ўрганишда, ўзбекистонликларнинг ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини очиб беришда, жанггоҳларда шаҳид бўлган, номаълум кетган ватандошларимиз номларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

С.А.Ҳошимов, Э.М.Эркаев,
АДУ Ўзбекистон тарихи
кафедраси доцентлари